ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5111400 – 2.05
2016 йил "08" 08

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2016 йил "25" 08

# МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ КЎНИКМАЛАРИ

# ФАН ДАСТУРИ

| | | |
|---|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 100000 | – Гуманитар соҳа |
| | 200000 | – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ |
| **Таълим соҳаси:** | 110000 | – Педагогика |
| | 120000 | – Гуманитар фанлар |
| | 220000 | – Журналистика ва ахборот |
| **Таълим йўналишлари:** | 5111400 | – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) |
| | 5120100 | – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси |
| | 5120200 | – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) |
| | 5220100 | – Журналистика (халқаро журналистика) |

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “25” августдаги “355”-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “8” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

| | |
|---|---|
| С. Иргашева | – ЎзДЖТУ, катта ўқитувчи |
| К. Алимова | – ЎзДЖТУ, катта ўқитувчи |
| Я. Абдураимова | – ЎзДЖТУ, катта ўқитувчи |
| Н. Эшонкулова | – ЎзДЖТУ, ўқитувчи |

**Бош маслаҳатчи:**

| | |
|---|---|
| Род Болайто | – Буюк Британия, Норич тил ўқитиш институти |

**Тақризчилар:**

| | |
|---|---|
| И.Жўраева | – ЎзМУ, Хорижий филология факультети декани, ф.ф.н., доцент |
| И.Тўхтасинов | – ЎзДЖТУ қошидаги РИАИМ директори, ф.ф.н., доцент |

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “8” июлдаги 11 - сонли баённома).

## Фаннинг долзарблиги

“Мустақил таълим кўникмалари” фанининг ушбу дастури талабанинг ўз шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқиш ва ўрганиш усулларини мустақил танлаш, таълим олишда рефлексиянинг аҳамияти, ўз-ўзини баҳолаш, билимларни такомиллаштириш учун мақсад ва келгуси режаларни тузиш ва амалга ошириш каби масалаларни ўзида мужассамлаштирган. “Мустақил таълим кўникмалари” фани талабаларни интерфаол усуллар воситасида мустақил таълим олишга йўналтирилади. Талабаларга олий таълимдаги ўқишлари жараёнида ўз вақтларини тўғри режалаштириш, стресс билан курашиш, мотивация, вазифаларни ўз вақтида бажариш ва имтиҳонларга тайёргарлик кўриш, самарали таълим олиш, шунингдек, уларда келгуси касбий фаолияти билан боғлиқ малака ва кўникмаларини мунтазам такомиллаштириб боришда ушбу фан доирасида ўзлаштирилган билимлар муҳим аҳамият касб этади.

## Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Мустақил таълим кўникмалари” фани математик ва табиий –илмий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 1 курснинг 1- семестри давомида ўқув режадаги барча фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўқитилади. Ушбу фан доирасида эгалланган билимлар фанлар бўйича мустақил ўрганишга тавсия этилган мавзуларни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки мазкур фан айнан мавзуни қандай қилиб самарали ўрганиш мумкинлигини, унинг йўллари, услуб ва усулларини батафсил ўргатади. Мустақил таълим кўникмаларифани ўқув режадаги бошқа фанларнинг таркибий қисми саналади. Мазкур фанни ўқитишда фанлараро боғлиқликка жиддий эътиборга қаратилади.

## Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Мустақил таълим кўникмалари” фанидан ўзлаштирилган билимлар талабаларнинг келгуси касбий фаолиятларида асқотади. Хорижий қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар ва уларнинг республикамиздаги бўлимлари, элчихона ва консулликлар, сайёҳлик агентликлари, нашриёт ва таҳририятлар, нотариал идоралар, таржимонлик бюроларида касбий фаолият олиб бориш жараёнида фандан эгаллаган билим ва кўникмалар мустақил қарор қабул қилиш, масалалар ечимини топиш, ходимларни меҳнатга рағбатлантиришда қўл келади.

## Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларини лойиҳалаш

Фанни ўқитишда шахсга йўналтирилган таълим методи ва чет тилини ўқитишга коммуникатив ёндашувдан максимал даражада фойдаланиш талаб этилади. Машғулотларда дарслик ва ўқув қўлланмалардан ташқари аутентик материаллар: аудио, видео, газета ва журналлар, интернет манбаларидан, интерактив усулларни қўллаган ҳолда ақлий ҳужум, кейс-стади, лойиҳалар тайёрлаш, ролли ўйин, дебатлар, презентация методларидан кенг фойдаланилади. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан педагогик ва модулли технология тамойиллари асосида “Мустақил таълим кўникмалари” фани амалий машғулотларининг лойиҳалари ишлаб чиқилади.

## Фан модулининг дастури (module syllabus)

<table>
<tr><td>Ўқув курсининг тўлиқ номи:</td><td colspan="3">Мустақил таълим кўникмалари</td></tr>
<tr><td>Курснинг қисқача номи:</td><td colspan="2">МТК</td><td>Код: МТК</td></tr>
<tr><td>Кафедра:</td><td colspan="3">Инглиз тилини интнграллашган ҳолда ўқитиш кафедраси</td></tr>
<tr><td>Ўқитувчи ҳақида маълумот:</td><td colspan="2">Ф.И.Ш.<br>Абдураимова Яйра Рустамовна</td><td>E-mail:<br>yayra_usb@mail.ru</td></tr>
<tr><td>Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги</td><td colspan="3">1-семестр, 38 ҳафта</td></tr>
<tr><td rowspan="6">Ўқув соатлари хажми:</td><td>жами:</td><td>70</td><td></td></tr>
<tr><td>шунингдек:</td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>маъруза</td><td>-</td><td></td></tr>
<tr><td>семинар</td><td>-</td><td></td></tr>
<tr><td>амалий</td><td>38</td><td></td></tr>
<tr><td>мустақил таълим</td><td>32</td><td></td></tr>
<tr><td>Ўқув курсининг статуси</td><td colspan="3">Математик ва табиий-илмий фанлар блоки</td></tr>
<tr><td>Дастлабки тайёргарлик:</td><td colspan="3">Курс олий таълимгача бўлган босқичда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математик ва табиий-илмий фанлардан ўзлаштирилган билимларга асосланади.</td></tr>
<tr><td colspan="4">Фаннинг предмети ва мазмуни: – Мустақил таълим кўникмалари фани талабаларни олий таълим тизимида ўқиш жараёни ҳамда фанлараро боғлиқлик масалалари билан таништиради. Жумладан, ўқиш билан боғлиқ рефлексия, мустақил қарор қабул қилиш, ўзини англаш, билимларни мустаҳкамлаш, университет ҳаёти ва ўқиш жараёни, вақтни тўғри режалаштириш каби масалаларни ўз ичига олади.</td></tr>
<tr><td colspan="4">Фанни ўқитишдан мақсад - “Мустақил таълим кўникмалари” фанининг мақсади талабаларга олий таълим муассасасида таълим олишнинг ўзига хос жиҳатлари, ўз шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқиш ва ўрганиш усулларини танлаш мустақил танлаш, таълим олишда рефлексиянинг аҳамияти, ўз-ўзини баҳолаш, билимларини такомиллаштириш учун мақсад ва келгуси режаларни туза олиш борасида керакли билимларни беришдан иборат.<br>Фаннинг вазифаси - Фаннинг вазифаси талабаларга олий таълимдаги ўқишлари жараёнида ўз вақтларини тўғри режалаштириш, стресс билан курашиш, мотивация, вазифаларни ўз вақтида бажариш ва имтиҳонларга тайёргарлик кўриш, самарали таълим олиш, шунингдек, келгуси касбий фаолияти билан боғлиқ малака ва кўникмаларини мунтазам такомиллаштириб бориш йўлларини ўргатишдир.<br>Мазкур фан талабаларнинг олий таълим тизимига мослашишларида муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, олий таълимда фанларни мустақил ўрганиш ва ўзлаштиришга катта эътибор қаратилади. “Мустақил таълим кўникмалари” фанини ўзлаштириш жараёнида талаба<br>– ўзининг тил билиш даражасини умумэътироф этилган халқаро меъёрлар (CEFR) га мувофиқ баҳолаш;<br>– СМАРТ мақсадлар;<br>– чет тилини ўрганишдан мақсадни тўғри белгилаш;<br>– таълим муассасаси ва ундан ташқарида вақтдан унумли фойдаланиш ҳақида тасаввурга эга бўлиши;<br>– стресс (руҳий зўриқиш) га қарши курашиш;<br>– вазифаларни аниқлаш ва персонализация қилиш;</td></tr>
</table>

- кутубхоналардан унумли фойдаланиш;
- интернетдан мақсадли ва самарали ***фойдаланишни билиши***;
- плагиат (кўчирмакашлик) га йўл қўймаслик;
- хотирани яхшилаш;
- топшириқлар ва тестга тайёргарлик кўриш;
- таълим кўникмаларини босқичма-босқич эгаллаб бориш;
- амалий вазифаларни бажариш ***кўникмаларига эга бўлиши***;
- мустақил ўқиш;
- долзарб мавзулар муҳокамаси;
- матнлар /мақолалар/видео материалларни танқидий муҳокама қилиш;
- талаба портфолиосини сифатли тайёрлаш ***малакаларига эга бўлиши керак.***

**Курснинг тематик таркиби ва мазмуни**

| Т/р | Мавзу | Амалий | Мустақил иш |
|---|---|---|---|
| 1 | Талаба муваффақияти. Муваффақиятли ўқиш: интеллигенция, стратегия ва мустақил иш | 2 | 2 |
| 2 | Мустақил ўрганувчи бўлишнинг афзалликлари ва муҳимлиги | 2 | 2 |
| 3 | Ўқиш усуллари ва афзалликлари | 2 | 2 |
| 4 | Ўз билимини мустақил баҳолаш. Тил кўникмаларини CEFR ёрдамида баҳолаш | 2 | 2 |
| 5 | Ҳаётий кўникмалар | 2 | 2 |
| 6 | Тўғри мақсад қўйишни ўрганиш | 2 | 2 |
| 7 | Мустақил қарор қабул қилиш | 4 | |
| 8 | ОТМ ва ундан ташқарида вақтни тўғри тақсимлаш | 2 | 2 |
| 9 | Тақдимот тайёрлаш ва уни тақдим этиш кўникмаси | 2 | 2 |
| 10 | Хотирани ривожлантириш | 2 | 2 |
| 11 | CREAM стратегияси | 2 | 2 |
| 12 | Асосий изланиш кўникмалари: ўқиш, қайд қилиш ва маълумотни бошқариш | 2 | 2 |
| 13 | Изланиш лойиҳалари, case study ва диссертациялар | 4 | 2 |
| 14 | Плагиатга йўл қўймаслик ҳамда уни бартараф этиш | 2 | 2 |
| 15 | Имтиҳонларга тайёргарлик кўриш ва стрессни бартараф этиш | 2 | 2 |
| 16 | Танқидий- таҳлилий фикрлаш | 2 | 2 |
| 17 | Келгуси вазифаларни белгилаш | 2 | 2 |
| | **Умумий** | 38 | 32 |

| | |
|---|---|
| **Таълим бериш ва ўқитиш услуби:** | Амалий машғулотлар, мустақил ишлар (айлана стол, кейс стади, мастер-класслар) |

<table>
<tr><td>Мустақил ишлар:</td><td colspan="3">Амалий топшириқлар, мустақил ўқиш, долзарб мавзулар муҳокамаси, матнлар /мақолалар/видео материалларни биргаликда танқидий муҳокама қилиш, таълим олиш жараёнига одатланиш, талаба портфолиосига алоҳида эътибор қаратилади.</td></tr>
<tr><td>Маслаҳатлар ва топшириқларни топшириш вақти</td><td>Кунлар</td><td>Вақти</td><td>Ауд.</td></tr>
<tr><td>1.</td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>2.</td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>3.</td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td colspan="4">Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби:</td></tr>
<tr><td>Баҳолаш усуллари</td><td colspan="3">Тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва ҳ.з.</td></tr>
<tr><td>Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш</td><td colspan="3">Назорат шакллари
<table>
<tr><td>Жорий назорат<br>• Талабанинг фаоллиги асосида баҳоланади Learner Portfolio:<br>o Биринчи қайд<br>o Иккинчи қайд<br>o Учинчи қайд</td><td>40 %<br><br>10%%<br>10%<br>10%<br>10%</td></tr>
<tr><td>Оралиқ назорат<br>• Ахборот-ресурс марказларида тадқиқот олиб бориш</td><td>30 %</td></tr>
<tr><td>Якуний назорат<br>• Талаба портфолиоси тўртинчи қайд<br>• Кейс таҳлили</td><td>30%<br>15 %<br>15%</td></tr>
</table></td></tr>
<tr><td></td><td colspan="3">Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезони
<table>
<tr><th>Балл</th><th>Талабанинг билим даражаси</th></tr>
<tr><td>86 - 100 балл</td><td>– талаба машғулотларга доимо тайёрланган, жуда фаол, дастурдаги материалларни яхши билади, хулоса ва қарорлар қабул қила олади, ижодий фикрлайди, билимларни амалиётда қўллай олади;<br>– талаба ижодий масалалар ечимини тегишли билимларни қўллаган ҳолда ҳал эта олади. Ҳал этишнинг янги усул ва йўналишларни топа олади, ўқув материали моҳиятини тушунади;<br>– талаба тақдим этилган муаммоли масалаларни ҳал этиш йўлларини излайди, дастурдаги материалларни билади, гапириб беради, етарлича тасаввурга эга.</td></tr>
<tr><td>71 - 85 балл</td><td>– талаба ўрганилаётган ҳодисалар алоқадорлигини билиш ҳамда объектни</td></tr>
</table></td></tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| | | тавсифлай олиш кўникмасига эга бўлиши билан биргаликда, қўйилган масалаларни ҳал эта олади, ўрганилаётган назарий билимларни амалиёт билан боғлай олади ва мустақил мушоҳада қила олади;<br>– билим ва кўникмалар мазмунини татбиқ қила олиш маҳоратига эга, муаммоларни ҳал этиш, ёзиб олиш ва эслаб қолиш фаолиятини амалга оширади, билимларни амалиётда қўллай олади;<br>– талаба машғулотларга тайёрланган, дастурдаги материалларни билади, моҳиятини тушунади ва тасаввурга эга. |
| | 55 - 70 балл | – талаба берилган намуналар, тақдим этилган усул ва кўрсатмалар асосида топшириқларни бажара олади, моҳиятини тушунади;<br>– талаба қатор белгилар асосида маълум объектни фарқлаш билан биргаликда унга таъриф бера олади, ўқув материалини тушунтириб бера олади ва тассаввурга эга. |
| | 0 - 54 балл | – талаба тасаввурга эга эмас;<br>– талаба дастурда келтирилган материалларни билмайди. |
| **Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар:** | | |
| **Глоссарийлар:** | | |
| **Ахборот ресурс база:** | | |

## АСОСИЙ ҚИСМ

### Фаннинг амалий машғулотлари мазмуни[1]

### Билимларни мустақил ўзлаштириш

Ўқитувчига тобелик тамойилидан талаба мустақиллигига трансформация, мустақил бўлиш (билимларни мустақил ўзлаштириш) нинг аҳамияти.

### Таълим олиш усуллари ва услублари

**С**енсор таълим услублари (визуал, аудио, кинестет, тактил), таълим услубларининг Хани ва Мамфорд таснифи (назариётчи, фаол иштирокчи, рефлектор, прагматик), интроверт ва экстроверт, яхши билим олиш учун таълимнинг самарали услубларидан оқилона фойдаланиш, трансфербал кўникмалар.

### Ўзини- ўзи баҳолаш

Ўзининг тил билиш даражасини умумэътироф этилган халқаро меъёрлар (CEFR) га мувофиқ баҳолаш. Баҳолаш турлари, Тил кўникмалари бўйича баҳолаш.

[1] Таълим йўналишларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, дастурда келтирилаётган мавзулар мазмунига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Киритилган ўзгартиришлар ишчи дастурларда ўз аксини топади.

### Мақсадларни тўғри қўйиш

СМАРТ мақсадлар. Чет тилини ўрганишдан мақсадни тўғри белгилаш. Вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш.

### Тақдимот

Тақдимот қилиш кўникмалари. Тақдимотларни тайёрлаш босқичлари. Тақдим этиш. Тақдим этишда самарадорлик. CREAM стратегияси.

### Вазифалар устида ишлаш

Вазифаларни аниқлаш ва персонализация қилиш. Вазифалар ечимини топишнинг мақбул усулини танлаш. Топшириқ ва вазифаларни ўз муддатларида ҳамда сифатли бажариш. Плагиат (кўчирмакашлик) га йўл қўймаслик.

### Лойиҳалар устида ишлаш

Лойиҳадан кўзланган мақсадларни аниқлаш. Лойиҳанинг вазифалари. Лойиҳа шакли. Ўз лойиҳасини ишлаб чиқиш.

### Имтиҳон ва тестга тайёргарлик

Имтиҳон ва тест турлари. Имтиҳон ва тестларга мустақил тайёргарлик кўриш. Имтиҳон ва тестларга жамоа бўлиб тайёрланиш. Танқидий ва таҳлилий фикрлашга ўргатиш.

### Манбалар билан ишлаш

АРМ ларда мавжуд тегишли манбалар билан ишлаш. Интернет материаллари, электрон манбалардан фойдаланиш ва уларни ўз фаолиятида самарали қўллаш усуллари.

### Мустақил таълим орқали танқидий фикрлашни ривожлантириш

Танқидий фикрлаш. Танқидий фикрлашни ривожлантирувчи омиллар. Танқидий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлар.

### Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

- Мустақил бўлишга ҳаракат қилиш
  - умумий ўрта ва ўрта махсус (мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим тизимларида ўқув жараёни ва уларнинг фарқли жиҳатлари;
  - ўқитувчига тобелик тамойилидан талаба мустақиллигига томон йўл;
  - мустақил бўлиш (билимларни мустақил ўзлаштириш) аҳамияти;
- Таълим олиш услублари ва мойилликлари
  - сенсор таълим услублари (визуал, аудио, кинестет, тактил);
  - таълим услубларининг Хани ва Мамфорд таснифи (назариётчи, активист, рефлектор, прагматик);
  - интроверт ва экстроверт;
  - яхши билим олиш учун таълимнинг самарали услубларидан оқилона фойдаланиш.

- Ўз-ўзини баҳолаш
  - ўзининг  тил билиш даражасини умумэътироф этилган халқаро меъёрлар (CEFR) га мувофиқ баҳолаш;
- Мақсадларни тўғри қўйиш
  - СМАРТ мақсадлар;
  - чет тилини ўрганишдан  мақсадни тўғри белгилаш

Рефлексия:

- таълим муассасаси ва ундан ташқарида вақтдан унумли фойдаланиш;
- стресс (руҳий зўриқиш) га қарши  курашиш;

Вазифалар устида ишлаш

- вазифаларни аниқлаш ва персонализация қилиш;
- кутубхоналардан унумли фойдаланиш;
- интернетдан мақсадли ва  самарали фойдаланиш;
- плагиат (кўчирмакашлик) га йўл қуймаслик.

- хотирани яхшилаш;
- имтиҳон ва тестга тайёргарлик кўриш;
- келгуси ишларни режалаштириш;
- таълим кўникмаларини босқичма-босқич эгаллаб бориш;
- мустақил бўлишга ҳаракат қилиш.

**Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари  намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

**Курс ишини ташкил этиш**

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада режалаштирилмаган.

**Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тилни ўрганиш жараёнида талаба интерфаол усуллар воситасида мустақил таълим олишга рағбатлантирилади ва мустақил фикрлаш талаб қилинади. Бунда ўқитувчи  билим берувчи ва баҳоловчи сифатида эмас, балки фасилитатор (инглизча facilitate сўзидан олинган бўлиб, бирор бир жараённинг боришига яхши таъсир этувчи ва унга мос шарт-шароитлар яратиб берувчи) сифатида намоён бўлади. Талабадан  фан бўйича мустақил ўрганган билимларини аудиторияда турли хил интерактив услублар орқали намойиш қила олиши ва бошқаларга ўргата олиш талаб этилади.

**Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари**

Мустақил иш мавзулари  фан ўқитувчиси ва талабалар томонидан ишлаб чиқилади. Мавзулар талабани мустақил билим олишга онгли равишда йўналтириши лозим. Бунда:

- сенсор таълим услублари (визуал, аудио, кинестет, тактил);
- таълим услубларининг Хани ва Мамфорд таснифи (назариётчи, фаол иштирокчи, рефлектор, прагматик);
- интроверт ва экстроверт;
- яхши билим олиш учун таълимнинг самарали услубларидан оқилона фойдаланишга асосий эътибор қаратилади.

- ўзининг тил билиш даражасини умумэътироф этилган халқаро меъёрлар (CEFR) га мувофиқ баҳолаш;
- СМАРТ мақсадлар;
- чет тилини ўрганишдан мақсадни тўғри белгилаш
- таълим муассасаси ва ундан ташқарида вақтдан унумли фойдаланиш;
- стресс (руҳий зўриқиш) га қарши курашиш;
- вазифаларни аниқлаш ва персонализация қилиш;
- кутубхоналардан унумли фойдаланиш;
- интернетдан мақсадли ва самарали фойдаланиш;
- плагиат (кўчирмакашлик) га йўл қўймаслик;
- хотирани яхшилаш;
- топшириқлар ва тестга тайёргарлик кўриш;
- таълим кўникмаларини босқичма-босқич эгаллаб бориш;
- амалий вазифаларни бажариш;
- мустақил ўқиш;
- долзарб мавзулар муҳокамаси;
- матнлар /мақолалар/видео материалларни танқидий муҳокама қилиш;
- талаба портфолиосига алоҳида аҳамият берилади.

**Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти**

Мустақил таълим кўникмалари фанини ўқитишда

- амалий топшириқлар;
- мустақил ўқиш;
- долзарб мавзулар муҳокамаси;
- матнлар /мақолалар/видео материалларни биргаликда танқидий муҳокама қилиш;
- таълим олиш жараёнига одатланиш;
- талаба портфолиосига алоҳида эътибор қаратилади.

Фанни ўқитишда мустақил таълимнинг турли стратегияларидан фойдаланиш ва уларни амалда татбиқ эта олишга хизмат қилувчи мос равишдаги таълим технологиялари ва усулларидан фойдаланилади. Амалий машғулотларда ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, кичик гуруҳларда ишлаш, инсерт, презентация, кейс стади каби усуллар мавзуга мувофиқ равишда қўлланилади.

**Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

**Асосий адабиётлар**

**Инглиз тили**

1. Cottrell, S. (2013) The Study Skills Handbook.Hampshire: Palgrave
2. LA Guide (2009) Tashkent: British Council

**Немис тили**

1. Stalb H. Brücken zum Studium: Lehrbuch mit CD Broschiert. L.Dartmann Verlag. Meckenheim, 2005
2. Bimmel Peter., Kast Bernd., Neuner Gerhard. Deutschunterricht planen. Neu. Fernstudieneinheit 18. Langenscheidt Verlag. München. 2011.

**Француз тили**

1. Louis Porcher. Les Auto-apprentissages. Hachette FLE, Франция. 2015

**Испан тили**

1. Mercedes Boixareu Vilaplana, Nicole Dulin Bondue autoaprendizaje de lenguas extranjeras uned. Universidad nacional de educacion a distancia/ España 2010

## Қўшимча адабиётлар

**Инглиз тили**

1. Cottrell, S. (2003) Skills for Success. Hampshire: Palgrave

**Немис тили**

1. Gemeinsamer europäischer Referenzrahmen für Sprachen: lernen, lehren, beurteilen. Langenscheidt Verlag. Straßburg. 2001.

**Француз тили**

1. Flumian C., Labascoule J., Lause C., Royer C. Liria Ph., Olivier C., Capucho F., Deniyer M. Nouveau Rond-Point 2 (livre de l'éléve+guide pédagogique+cahier d'activités) Editions Maison des Langues Франция. 2011

**Испан тили**

1. Autoaprendizaje de lenguas extranjeras.Uned. Universidad nacional de educacion a distancia
2. España 2000.ISBN: 9788436239317
3. La carpeta de aprendizaje de alumnado universitario. M.Teresa Polen. España, Barcelona 2006
4. Metodología de la investigación. M. Sanabria España 2008 **ISBN** 978-959-212-783-7
5. Manual de estrategias de enseñanza/aprendizaje. Doris María Parra Pineda. Servicio nacionalde aprendizajecentro Colombia 2003

## Интернет сайтлари

**Инглиз тили**

1. www.plagravestudyskills.com
2. www.teachingenglish.org.uk
3. www.onestopenglish.com

**Немис тили**

1. http://medien2.ifs.sozialwissenschaften.unituebingen.de/ifs/arbeitsbereiche/ab4
2. http://www.afh.uzh.ch/instrumente/dossiers
3. http://www.neue-lernkultur.de/keynotes.php?nr=42#leitfaden
4. www.fhB.dewww.gastro.D.de

**Француз тили**

1. http://www.educnet.education.fr/
2. www.france5.fr/20livres
3. http://www.lepointdufle.net/
4. http://enseigner.tv5monde.com/

**Испан тили**

1. http://evaluaciondelosaprendizajes1.blogspot.com/2007/08/la-evaluacin-del-aprendizaje.html
2. https://joseluismartosfdez.wordpress.com/2008/01/19/autoevaluacion/
3. https://es.wikipedia.org/wiki/Autoaprendizaje